

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ**

*Ўроқов Жасур Рустамалиевич
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
ва криминология кафедраси
ўқитувчиси, капитан.*

Аннотация. Ушбу мақолада вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда мавжуд муаммолар, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг сабаб ва шарт-шароитлари, вояга етмаганларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларга салбий таъсир этувчи омиллар ҳамда уларни бартараф этиш борасидаги тавсиялар ёритиб берилган.

Таянч тушунчалар: вояга етмаган, ёшлар, қонун, назоратсизлик, жамият, оила, шахс, педагог, умумий профилактика, яқка профилактика профилактика иши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Маълумки, мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат тараққиётининг ривожини ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даражасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун эса аввало жамият аъзоларининг, шу жумладан вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади.

Шу боисдан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олишни кучайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта

марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади»[1], - деб такидлаб, вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларни Ватан равнақи йўлида хизмат қилувчи шахс сифатида етиштириш муҳим вазифалардан эканлигини кўрсатиб берди.

Дарҳақиқат мамлакатнинг келажагини белгиловчи ёшлар ва вояга етмаганларнинг комил инсон қилиб тарбиялашда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, уларга сифатли билим бериш ва уларни илм-маърифатли инсон бўлиб шаклланишларига, энг аввало, Конституцияни яхши билиши, ундаги нормаларни ўрганиши, ўзининг ҳуқуқи, бурчи ва мажбуриятларини тўла англаши ва уларни ҳаётда қўллай олишига, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг келажакка ишончини янада мустаҳкамлаш давлат ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарлиги ҳақида салмоқли статистик материал тўпланган, уни таҳлил қилиш методикаси асосан ишлаб чиқилган ва булар уларнинг жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарликларининг ҳолатини, унинг миқдор ва сифат (таркибий ва бошқа) ўзгаришларини анча аниқ баҳолаш имконини беради[2].

Вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан аксарият ҳолларда қасддан одам ўлдириш, ўғирлик, талончилик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, безорилик каби жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши криминолог олимлар томонидан ўрганилган.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқбузарлиги катталар ҳуқуқбузарлиги билан бир хил сабабларга эга, бироқ уларнинг таъсир кўрсатиш механизми анча фарқ қилади. Бу сабаблар шахснинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Ҳар бир вояга етмаган тарбияси оғир шахснинг хулқ-атвори ўзига хосдир, у ўсмир шахси шаклланишининг объектив ва субъектив омиллари билан белгиланади. Бу тарбия ва профилактика ишларида индивидуал ёндашув етакчилик қилиши лозимлигини англаатади.

Якка тартибдаги профилактика иши — ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолиятдир.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ҳамда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси

тўғрисида»ги қонунлари билан давлатимиз ваколатли идоралари томонидан Ички ишлар органларига вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бу ижтимоий фаолият бўлиб, жамият ривожланиши ва бошқа ижтимоий ҳолатлар билан ўзаро алоқадорликда бўлиб, ўз ўрнига эга. Худди шу маънода, бу жараёнда якка тартибдаги (индивидуал) профилактикани ижтимоийлашуви жараёнининг бир қисм сифатида қараш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳлари ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор психологлар томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни кучайтириш мақсадида ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилиш, сақлаш ва вояга етмаганлар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб бориш тартиби белгиланди. Шунингдек, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизимининг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Хусусан, И.Исмаилов «вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, унда иштирок этувчи давлат органлари ва муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, уларнинг жинсий фаолиятга жалб этувчи шахсларни аниқлаш, улар содир этаётган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, шунингдек улар яшаётган ва таълим олаётган жойларда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш мақсадида амалга ошириладиган тарбия, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий назорат воситалари орқали профилактик таъсир чораларини қўллашдан иборат давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган алоҳида фаолият», шунингдек «вояга етмаганлар ўртасида

назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – вояга етмаганлар томонидан қонун билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишини тақозо этувчи сабаб ва шароитларни келтириб чиқарувчи, озиклантирувчи, жамиятда ижтимоий ҳодиса сифатида унинг бўлишини тақозо этувчи ҳодиса, воқеа, жараёнларни камайтириш, зарарсизлантириш, чеклаш ва бартараф этиш бўйича давлат сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган комплекс ижтимоий-ҳуқуқий жараён»[3] деб ҳисоблайди.

Давлатчилик вужудга келган даврлардан бошлаб ҳукмрон доиралар фуқароларни турли йўллар билан тарбиялаш, уларнинг ўзлари ишлаб чиққан қонун ва қоидаларга амал қилишларига мажбур этиб келганлар ва ўз навбатида адолатсиз бўлсада ўша замоннинг ўзига хос бўлган ҳуқуқий хулқни шаклланишида рол ўйнаган. Шунинг учун шахснинг ижтимоийлашуви унда ахлоқий сифатлар ва ҳуқуқий онгни шакллантиришни келтириб чиқаради. Бу жараёнлар шахсни жамиятда ўрнатилган қоидалар ва тартибларга риоя қилиши ва мослашашишини таъминлайди.

Аммо, ҳар қандай даврда ҳам вояга етмаганларнинг даврга ёки қоидаларга мослашиши жараёни уларга қандай таъсирни кўпроқ қўллаш билан боғлиқдир. Масалан, уларни қандай тарбиялаш ҳамда қандай руҳда ўстиришга боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳар қандай шахсни ўзи униб ўсган мамлакат, миллатининг урф-одатлари асосида тарбиялаш, шу билан бирга ўзга миллатларнинг одатларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш уларни комил инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, ваҳоланки, ўз ҳалқини севувчи ва ўзга миллатларни ҳурмат қилувчи шахсина ҳуқуқбузарлик содир этмайди, атроф муҳитга доимо ҳурматда бўлади.

Шу ўринда, Туркистон маърифатпарвари, мутафаккир, педагог ва ахлоқшунос Абдулла Авлоний: “ўғай тарбиядан” кўра миллий тарбиямиз усулларини янгилашни афзал билади ва ва ўз даврини “Тарбиянинг замони – тарбиянинг айна вақти” деб атайди. Унинг бу борадаги қарашлари ҳануз ўз кучини йўқотганмаганлигини, тарбия – ҳозир ҳам жамият учун долзарб муаммо эканлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида Абдулла Авлоний: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” [4], деб таъкидлаб ўтиб, оила ва ундаги тарбия ҳар бир ёш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муҳим тамойиллардан бири эканлигини, тарбиянинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларига риоя қилишини таъминлашда, шунингдек, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтган.

Демак, вояга етмаган шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атвор шаклланишида уни ўраб турган ташқи ва ички муҳитдаги салбий таъсирлар рол

ўйнайди ва айнан шу салбий таъсирлар вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келади.

Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши шарт-шароитларидан келиб чиқиб уларни қуйидаги иккита турга ажратиш мумкин:

1. Ташқи шарт-шароит, жамиятдаги салбий ижтимоий иллатларнинг мавжудлиги, хусусан, гиёҳвандлик ва сурункали ичкиликбозлик, “оммавий маданият”, экстремизм ва терроризм;

2. Ички шарт-шароит, хусусан, оиладаги салбий муҳит, оила аъзоларидаги ёмон ҳулқнинг салбий таъсири ва бошқалар.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг турларига қараб уларнинг қандай муҳитда ўсганлигини аниқлаш мумкин, шу боисдан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ва бу жараёндани мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни баратараф этишда аввало ҳуқуқбузарликларни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар таҳлил этилганда уларнинг қуйидаги алоҳида кўринишларига эътибор бериш лозим:

1. Жамоат тартиби ва ахлоқий талабларни бузиш (ноахлоқий ҳулқ-атвор).

2. Турли ҳилдаги майда қонунбузарликлар (қонунга хилоф хатти-ҳаракат).

3. Қонуний талабларни бузиш, жиноят содир этиш (жиноий хатти-ҳаракат) кабилар.

Шу туфайли жамиятга зид ҳулқ-атворни барча турларини бир бири билан узвий боғлиқ ва қоидага биноан бир бирига сабабчидир. Шунинг учун ҳуқуқбузарликларнинг ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишда, унга шароит яратаётган, жамиятга зиён етказаётган сабаблар билан курашни кучайтириш зарур.

Вояга етмаганларнинг ўзига хос хусусиятлардан энг муҳими шундаки, оилада ва мактаб жамоасида ўз ўрнини топа олиши ниҳоятда мураккабдир, шу боис ҳам улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар қуйидаги омилларни бир - бирига таъсири натижасида вужудга келади:

1. Ташқи муҳитнинг вояга етмаган ўсмирларга бўлган таъсири;

2. Вояга етмаган ўсмирнинг шахси;

3. Вояга етмаган ўсмирларнинг жамоада тутган ўрни.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларга мойилларининг ижтимоий эҳтиёжлар, қизиқишлар, моддий йўналишлар бир-бирига ўхшаш бўлади, уларни қонунга зид ишлар қилиш билан тўлдирмоқчи бўладилар.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда ички ишлар органлари, болалар масалалари бўйича миллий

комиссиялар, мутахассислар, таълим муассасалари ўзаро ҳамкорликда зарурий чора-тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ.

Оила муҳити ва ташқи муҳит вояга етмаганларнинг шахсига ниҳоят даражада тез таъсир қилади, бундай таъсир қилиш натижасида вояга етмаганларда жамиятга зид бўлган қуйидаги салбий ҳислатлар шаклланиб боришида катта ўринни эгаллайди.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар оилалари тузилмасида ижобий оилалар катта ўрин тутати. Улардан тахминан 60 фоиздан кам илғанадиган болалар тарбияси хатолари кўринади: 34,5 фоиз оилаларда болани доимо асоссиз эркалашади, 26,2 фоиз оилада эса болани мустақиллигидан ва оила муаммоларидан ажратилган. Ўрганилган оилалар моддий аҳвол яхши. Фақат, 12-13 фоиз оилаларда моддий камчиликлар бор. Қолган оилаларда ҳамма нарса етарли, уларнинг кўпчилигида моддий эҳтиёжлар маънавийларидан устун қўйилиб, шу орқали болаларнинг қиммат нарсаларга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Оила томонидан назоратсиз қолиш, ўқув тарбия жамоасини таъсирдан тушиб қолиш ёшларда жавобгарсизлик ва бебошлик ҳиссини мустаҳкамлайди. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини олдини олишнинг замонавий шароитида асосий диққат эътибор, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи дастлабки профилактика масалаларига қаратилган бўлиши керак.

Маълумки болалар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам таълим-тарбия таъсири остида бўлишлари керак. Шу сабабли таълим муассасалари турар жойларда педагогик марказларга айланиб, болалар қандай яшаётганликлари ва улар бўш вақтларини қандай ўтказётганликлари борасида жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари зарур. Таҳлил этилган ижобий натижалар шундан далолат бераптики, қаерда педагогик жамоалар тамонидан бундай жавобгарликни ўз зиммаларига олиб ўқувчилани бўш вақтларини тўғри ташкил этган бўлсалар, ўша ерда қонунбузарликлар жуда кам содир этилади.

Вояга етмаганларнинг шахсини шакллантиришда ва ҳуқуқбузарликнинг олди олишда педагогик усулларни ўзгаришларга мослаб бориш ва педагогик саводсиз оилалар билан алоқа қилиш, уларни масъулиятини ошириш муҳимдир. Бунда кўпгина мутахассислар, жумладан социологлар, педагог ва юристларнинг фаоллиги талаб қилинади[5].

Шу боисдан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда аввало вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратиш, бу борадаги самарали усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, вояга етмаган тўлиқ ижтимоий шахс эмаслиги, унинг ривожланиш босқичида эканлигини инобатга олиб, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ижобий хулқ-атвори шакллантириш, салбий таъсирни камайтиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, ҳозирги пайтда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Чунки келгуси ишларнинг давомчилари айнан ўсиб келаётган ёш авлоддир, улар давлатнинг келажагини белгилайди. Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашимиз ва бартараф этишимиз мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жойларда умумий профилактикадан унумли фойдаланиш ва буларни юритишда ёшлар тарбиясига бевосита маъсул шахслар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйилиши ижобий натижаларни беради. Бундан ташқари ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган вояга етмаганлар билан яқка профилактик тарбиявий ишларни юритишда уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиб ташкиллаштирилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси.
2. Абдурасулова Қ.Р. Криминология / Дарслик. –Т., 2008. –Б. 154.
3. Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т., 2015. — Б. 15.
4. Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик, 2-нашри, 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоялар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари // Таҳрир ҳайъати: Н.Каримов ва бошқ.; Тўпловчи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва луғатни О.Тўлабоев тузган /Т.: «Маънавият», 2006. – Б-37.
5. Липатов А.Е. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика краж, совершаемых несовершеннолетними. Автореф. На соискание канд.юрид.наук.М., 24-б.